

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядорининг

2 - сонли қарори

2024 йил 7 июнь

Тошкент шаҳри

“Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган овоз берувчи оддий акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан:

“Худудий электр тармоқлари” АЖнинг амалдаги ташкилий тузилмаси Жамиятнинг барча овоз берувчи акциялари Ягона акциядорининг 2023 йил 5 майдаги қарори билан тасдиқланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 08.06.2023 йилдаги қарори билан “Худудий электр тармоқлари” АЖга тегишли топшириқлар берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирининг 19.05.2023 йилдаги 49-сонли буйруғига биноан, Жамиятнинг “Давлат ва шартномавий хизматларни ривожлантириш” филиали негизида “Худудий қурилиш-монтаж дирекцияси” филиали ташкил этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.07.2023 йилдаги ПҚ-236-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Худудий электр тармоқлари” АЖ Кузатув кенгашининг 20.09.2023 йилдаги 6-сонли мажлиси баёни асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 01.03.2024 йилдаги 28-сонли буйруғи билан Жамиятнинг Тошкент шаҳар худудий филиали негизида “Тошкент шаҳар электр тармоқлари” МЧЖ ташкил этилган ва 11.03.2024 йилда мазкур корхона давлат рўйхатидан ўтказилган.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.09.2023 йилдаги ПФ-166-сон Фармонига мувофиқ ҳамда Жамият Кузатув кенгашининг 24.11.2023 йилдаги 10-сонли мажлиси баёни асосида “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг 29.12.2023 йилдаги 208-сонли буйруғи билан “Энергосавдо” МЧЖ корхонаси ташкил этилган ва мазкур корхона 03.01.2024 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган. Шунингдек, мазкур Фармоннинг 2-иловасида электр энергетикаси соҳасидаги кадрларнинг соҳавий билимларини ва малакасини ошириш юзасидан мунтазам ўқиш жараёнини ташкиллаштирилиши белгиланган.

Шу боис, Жамият ва унинг тизимидаги ходимлар сонини оптималлаштириш, ходимларга юкланадиган иш хажмининг меъёрларини аниқлаш бўйича “Худудий электр тармоқлари” АЖ томонидан “ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети билан биргаликда тегишли тадқиқот ишлари олиб борилиб, “Худудий электр тармоқлари” АЖ ва унинг таркибий қорхоналари (тузилмалари) ходимларининг сони аниқлаб олинган ва ушбу меъёрлардан келиб чиқиб, Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси лойиҳаси ишлаб чиқилган ва мазкур лойиҳа Жамият Кузатув кенгашининг 28.05.2024 йилдаги 3-сонли баёни билан маъқулланган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон Фармони билан тасдиқланган “2023 - 2030 йилларга мўлжалланган электр энергиясининг улгуржи ва чакана бозори механизмларига босқичма-босқич ўтиш концепциясини 2023-2024 йилларда амалга ошириш бўйича Йўл харитаси”ни ва Вазирлар Маҳкамасининг 08.06.2023 йилдаги қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Худудий электр тармоқлари” АЖга янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш лозим ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб, “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг барча овоз берувчи оддий акциялари Ягона акциядори, қарор қилади:


1. “Худудий электр тармоқлари” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. “Худудий электр тармоқлари” АЖ Бошқарув раиси (У. Мустафоев) Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасидан келиб чиқиб, штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

**Иқтисодиёт ва молия
вазири ўринбосари**

**Ж. Мустафоев**

«Худудий электр тармоқлари» АЖнинг
Барча овоз берувчи олдий акциялари
Ягона акциядорнинг «07».06.2024 йилдаги
2-сонли қарори билан тасдиқланган

«Худудий электр тармоқлари» АЖнинг ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий сони — 137 та.
*техник ва хизматчи ходимларининг умумий сони қонунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ белгиланади.

** Бошқарув раиси ходимлар сонининг умумий миқдори доирасида штатлар жалдвалига ўзгартиришлар киритишга ҳақли.